



№ \_\_\_\_\_

**Олий таълим муассасалари  
ректорлари ва филиаллар  
директорларига**

Олий таълим муассасаларида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотлари Намунавий режасига мувофиқ, 2018/2019-ўқув йилининг ўттиз иккинчи ҳафтасида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотлари материаллари иловага мувофиқ юборилмоқда.

Шу муносабат билан, Сиздан мазкур ҳафта давомида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотларини **“Бешикдан то қабргача илм изла!”** мавзусида юқори савияда ўтказилишини таъминлашингиз сўралади.

(Машғулотлар вазирликнинг 2018 йил 13 сентябрдаги 87-02-2527-сонли хати орқали тақдим этилган “Ахборот ва мураббийлик соати сабоқлари” номли услубий қўлланмага мувофиқ равишда ташкиллаштирилиши лозим).

Илова: 12 бет.

**Ҳурмат билан,  
“Маънавият ва маърифат”  
маркази директори**

**О.А.Худайназаров**

**“Бешикдан то қабргача илм изла!” “Ахборот ва мураббийлик соати”  
машғулотларининг 1-босқичи материаллари.\***

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ,  
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР  
МАЪЛУМОТЛАР**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИДА ДАВЛАТ  
БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-  
ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ф а р м о н и**

<http://uza.uz/oz/documents/veterinariya-va-chorvachilik-so-asida-davlat-bosh-aruvi-tizi-01-04-2019>

**АҲОЛИ МУАММОЛАРИ БИЛАН ИШЛАШДА МАҲАЛЛА  
ИНСТИТУТИНИНГ МАВҚЕИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ЧОРА-  
ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ф а р м о н и**

<http://uza.uz/oz/documents/a-oli-muammolari-bilan-ishlashda-ma-alla-institutining-mav-e-03-04-2019>

**КИМЁ САНОАТИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА УНИНГ  
ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-  
ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
қ а р о р и**

<http://uza.uz/oz/documents/kimye-sanoatini-yanada-islo-ilish-va-uning-investitsiyaviy-zh-03-04-2019>

*\*Эслатма: Мазкур ҳафтада ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотларининг 2-босқич Халқаро илм-фан куни (Ҳар йили апрель ойининг учинчи якшанбасида нишонланади, 1990) ҳақида талаба-ёшларга тушунтирилади.*

*Ҳафталикнинг 3-босқичида талаба-ёшларга бардошлилик фазилати ҳақида тушунча берилади, 4-босқичда – талабаларнинг қайси босқичдалигига қараб ойнинг бошида берилган китобларнинг бири ҳақида фикр-мулоҳаза юритилади. Ўқшига берилган китобларга якуний хулоса қилинади.*

**АГРАР СЕКТОРНИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАЛАРИ БИЛАН  
ЎЗ ВАҚТИДА ТАЪМИНЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-  
ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

қ а р о р и

<http://uza.uz/oz/documents/agrar-sektorni-ishlo-kh-zhaligi-tekhnikalari-bilan-z-va-tida-04-04-2019>

**КЎЧМАС МУЛККА БЎЛГАН ХУҚУҚЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН  
ЎТКАЗИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-  
ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

қ а р о р и

<http://uza.uz/oz/documents/k-chmas-mulkka-b-lgan-u-u-larni-davlat-rykhatidan-tkazish-t-06-04-2019>

**БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИГА ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ  
ТАШРИФ ЯКУНИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КЕЛИШУВ ВА  
БИТИМЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА АСОСИЙ  
ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 апрель куни ўтган ҳафта Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташриф доирасида эришилган келишув ва битимларни амалга ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Аввал хабар қилинганидек, давлатимиз раҳбари Абу-Даби ва Дубай шаҳарларида Абу-Даби Амирлиги валиаҳди, Бирлашган Араб Амирликлари Қуролли Кучлари Олий Бош қўмондони ўринбосари Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Нахаён, БАА Вице-президенти, Бош вазир, Дубай амири Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум ҳамда ушбу мамлакат ҳукумати аъзолари ва қатор етакчи компаниялари раҳбарлари билан самарали учрашув ва музокаралар ўтказди.

Икки томонлама тадбирлар якунида Кўшма баёнот ҳамда қатор муҳим келишувлар, жумладан, умумий қиймати 10 миллиард доллардан зиёд бўлган истиқболли инвестиция лойиҳалари ва дастурларини амалга ошириш бўйича битимлар имзоланди.

Ушбу келишувлар инновациялар, нефть-газ тармоғи, анъанавий ва муқобил энергетика, замонавий инфратузилмани ривожлантириш, транспорт ва логистика, қишлоқ хўжалиги, туризм, таълим каби ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишларини қамраб олган.

Таъкидлаш жоизки, ташриф давомида БААнинг олий даражадаги раҳбарияти Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислохотлар ва янгиланишларни бир неча бор эътироф этиб, уларни тўлиқ қўллаб-қувватлади. Амирликлар ишбилармон доиралари мамлакатимизга тобора катта қизиқиш билдираётгани Ўзбекистонга ишонч ортиб бораётганидан далолат беради.

Йиғилишда Президентимиз эришилган келишувларнинг ўз вақтида ва сўзсиз ижросини таъминлаш лозимлигини қайд этиб, қабул қилинган “йўл харитаси”ни амалга оширишни самарали усул ва механизмларни жорий этган ҳолда дарҳол бошлаш муҳим эканини таъкидлади.

БААнинг етакчи компания ва ташкилотлари билан биргаликда амалга ошириладиган устувор қўшма лойиҳалар сифатида «Навоий» қуруклик порти ва эркин иқтисодий зонасини ривожлантириш, мамлакатимизда углеводородлар қазиб олишни кўпайтириш ва уларни чуқур қайта ишлаш, Таллимаржон иссиқлик электр станцияси ва бошқа ИЭСларни модернизация қилиш ва кенгайтириш, қуёш ва шамол электр станцияларини, Сирдарё вилоятида аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш заводини барпо этиш ва бошқалар белгиланди.

Бундан ташқари, агросаноат кластерларини ташкил этиш ва мамлакатимиз кишлоқ хўжалиги экспорт салоҳиятини юксалтириш, Самарқанд шаҳрида туризм ва коммунал инфратузилмани, ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, тадбиркорлик ташаббусларини, жумладан, Абу-Даби тараққиёт фонди иштирокида таъсис этилаётган низом жамғармаси 1 миллиард доллар бўлган инвестиция компанияси маблағларини жалб этган ҳолда қўллаб-қувватлаш масалалари кўриб чиқилди.

Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш соҳасидаги шерикликни кенгайтириш, “Масдар” компанияси ва Ал Халифа университети билан кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида БААда ўз ваколатхонасини очади.

Давлатимиз раҳбари “йўл харитаси”да белгиланган тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш бўйича аниқ топшириқлар берди.

Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, тармоқ компаниялари раҳбарларига энг қисқа муддатда инвестиция лойиҳаларининг тармоқ жадвалини тасдиқлаш ва уларни амалга оширишни бошлаш, олий даражада эришилган Ўзбекистон – БАА келишувларининг сўзсиз ижросини таъминлаш бўйича самарали механизмларни жорий этиш вазифаси қўйилди.

## **БЕШТА ТАШАББУС БЎЙИЧА ДАСТУРЛАР ЁШЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 апрель куни ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиш, хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга жорий этиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Аввал хабар қилинганидек, 19 март куни бу борада видеоселектор йиғилиши ўтказилиб, бирламчи вазифалар белгилаб берилган эди. Уларга мувофиқ ҳар бир ташаббус бўйича чора-тадбирлар дастурлари лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Йиғилишда мазкур дастурларга киритилган таклифлар, уларни амалга ошириш механизмлари муҳокама қилинди.

Хусусан, биринчи ташаббус бўйича ёшларни маданият ва санъат муассасаларига кенг жалб этишга оид дастур лойиҳаси тайёрланган. Унга мувофиқ, 2019-2020 йилларда 14 дан 30 ёшгача бўлган 2 миллион нафар ёшни маданият ва санъат соҳасига жалб этиш бўйича ҳудудий “йўл харита”ларини тасдиқлаш кўзда тутилган. Шунингдек, болалар мусиқа ва санъат мактабларида қўшимча синфлар, маданият марказларида чолғу, хонандалик, тасвирий санъат тўғараклари, хаваскорлик театр жамоалари ва болалар ансамбллари ташкил этиш белгиланган. Янгидан қуриладиган, реконструкция ва капитал таъмирланадиган ҳамда жиҳозланадиган маданият марказларининг манзилли рўйхати ҳам шакллантирилган.

Давлатимиз раҳбари дастур лойиҳасида тадбирларни амалга ошириш механизмлари етарли эмаслиги, ҳар бир шаҳар ва туманга ижодий маслаҳатчи сифатида бириктирилган соҳа намояндаларининг амалий вазифалари аниқ белгиланмаганини қайд этди. Ҳудудий “йўл харита”лари ижросини тизимли ташкил этиш, тўғарак ва синфларга қамраб олинган болаларни рағбатлантириш, жумладан, турли танловлар ўтказиш зарурлигини таъкидлади.

Белгиланган қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари, шунингдек, маданият марказлари, мусиқа ва санъат мактабларини зарур чолғу асбоблари билан таъминлаш учун тегишли маблағ ажратиш бўйича топшириқ берилди.

Иккинчи ташаббус юзасидан тайёрланган ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, спорт иншоотлари қувватини оширишга қаратилган дастур лойиҳасида яқин 2 йилда ҳар бир туманда енгил конструкцияли, сендвич панелли кичик спорт заллари қуриш белгиланган.

Президентимиз мавжуд ва янги қуриладиган спорт иншоотларига аҳоли ва ёшларни кенг жалб этиш, оммавий спорт тадбирларини ўтказишни янада кўпайтириш кераклигини таъкидлади.

Учинчи ташаббусга мувофиқ аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланиш чора-тадбирларига оид дастур лойиҳаси ишлаб чиқилган. Унда 2019-2020 йилларда туман ва шаҳарларда рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этиш ва уларда бепул таълим бериш, 19 мингга яқин ижтимоий соҳа объектини юқори тезликдаги интернет тармоғига улаш кўзда тутилган.

Йиғилишда аҳолининг компьютер саводхонлигини ошириш, ахборот технологияларига қизиққан болаларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш ва малакали мутахассис даражасига олиб чиқиш, дастурий маҳсулотлар яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш чора-тадбирлар дастури лойиҳаси тўртинчи ташаббус мақсадларини амалга оширишга қаратилган. Унга кўра, ҳар бир ҳудудга 1 миллион дондан бадий, тарихий, илмий, оммабоп мавзулардаги китоблар етказиб бериш кўзда тутилган. Шунингдек, ахборот-кутубхона марказларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, тадбиркорлар томонидан халқ кутубхоналари очиш ҳам белгиланган.

Бешинчи ташаббус бўйича ҳудудларда тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари дастури лойиҳаси тайёрланган. 2019-2020 йилларда ҳар бир туманда енгил конструкцияли тикув-трикотаж корхоналарини куриш ва аёллар учун иш ўринлари яратиш кўзда тутилмоқда.

Йиғилишда ушбу корхоналарни пухта ҳисоб-китоб асосида ташкил этиш, уларда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар бозорини, яъни аниқ харидорини топиш юзасидан таклифлар билдирилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларнинг ахборотлари эшитилиб, дастурлар лойиҳаларини янада такомиллаштириш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди.

## **БЮДЖЕТ ВА ЭКСПОРТ ТУШУМЛАРИ – ИЖТИМОЙ СОҲА РИВОЖИНИНГ МУҲИМ МАНБАИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 4 апрель куни 2019 йилнинг биринчи чораги якунлари бўйича Давлат бюджетига тушумлар ва экспорт прогнозлари ижроси натижадорлиги ҳамда биринчи ярим йиллик учун белгиланган кўрсаткичларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Биринчи чоракда мамлакатимиз бўйича бюджет тушумлари тўлиқ ҳамда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2 баробар кўп бажарилди. Чорак якуни бўйича маҳаллий бюджет даромадлари режага нисбатан 1 триллион 253 миллиард сўм ортиғи билан бажарилиб, ҳудудлар ихтиёрида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,5 баробар кўп маблағ қолди.

Маҳаллий бюджетда қанча кўп даромад бўлса, долзарб ижтимоий масалаларни шунча тезкорлик билан ҳал қилиш мумкин, деди давлатимиз раҳбари. Қўшимча маблағлар, жумладан, Бешта ташаббус, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Ичимлик суви”, “Ҳар бир оила – тадбиркор” каби давлат дастурларини жойларда тизимли амалга ошириш, аҳоли даромадларини кўпайтириш ва ҳаётини яхшилаш учун зарур бўлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ушбу вазифанинг аҳамиятини ҳамма раҳбар ҳам бирдек англаб етмаётганини кескин танқид қилди. Жумладан, бюджетга тушумлар прогнози 9 туман ва шаҳарда бажарилмаган.

Хусусан, Тошкент шаҳрининг ўн битта туманидан еттитасида тушумлар прогнози бажарилмаган. Ушбу туманлар солиқ инспекциялари раҳбарлари лавозимларидан озод этилди.

Шаҳар ҳокимлиги ва солиқ идоралари раҳбарлари томонидан бюджетга тушумларни таъминлашда сусткашликка йўл қўйилганлиги қаттиқ танқид остига олинди.

Бундай ҳолатлар вилоятларда ҳам қайд этилган. Шу сабабли Давлат солиқ қўмитасига маҳаллий бюджетга тушумлар прогнози бажарилмаган қатор туман ва шаҳар солиқ идоралари раҳбарларининг лавозимида лойиқлигини танқидий кўриб чиқиш топширилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг асосий мақсади солиқ юкини тенг тақсимлашдан иборат.

Президентимиз солиқ ислоҳотларини самарали амалга ошириш учун ҳукумат олдида жуда кўп вазифалар турганини таъкидлади.

Жумладан, жорий йилдан бошлаб қўшимча қиймат солиғи тўловчилари сони қарийб 5 бараварга ошган. Лекин қўшимча қиймат солиғини ҳисоблашнинг самарали ва содда механизмлари ташкил этилмагани сабабли ушбу тизимга ўтган 26 мингта корхонадан 9 мингтаси тегишли солиқ ҳисоботларини топшира олмаган.

Вазирлар Маҳкамаси ва Давлат солиқ кўмитасига бир ой муддатда халқаро экспертлар билан биргаликда Ўзбекистонда солиқ ислоҳотларини амалга оширишда вужудга келаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилди.

Бюджет тушумларини таъминлашдаги асосий тўсиқлардан бири иқтисодиётда норасмий фаолиятнинг сақланиб қолаётганидир.

Президентимиз бу борадаги ишлар натижалари мутлақо қониқарли эмаслигини таъкидлади. Шу сабабли қабул қилинган дастурий чораларни жонлантириш бўйича топшириқлар берилди.

Савдо-саноат палатаси, Бизнес-омбудсманга ҳокимликлар билан биргаликда фаолиятини тўхтатган тадбиркорлар учун учрашувлар ўтказиш ва фаолиятини тиклашда кўмаклашиш вазифаси юклатилди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, юқорида кўрсатилган муаммолар ўз вақтида бартараф қилинса, йил охирига қадар бюджетга қўшимча камида 6 триллион сўм тушишини таъминлаш мумкин.

Жумладан, жорий йилнинг иккинчи чорагида Бухоро, Навоий, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида 200 миллиард сўмдан, Қашқадарёда 170 миллиард сўм, Андижонда 140 миллиард сўм, Қорақалпоғистонда 130 миллиард, Фарғонада 100 миллиард, Самарқанд ва Наманганда 80 миллиард сўмдан, Жиззах, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразмда 60 миллиард сўмдан, жами қарийб 2 триллион сўм бюджетга қўшимча маблағ тушириш имконияти мавжуд.

Йиғилишда мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган чоралар ҳам муҳокама қилинди.

Иккинчи чоракда ўтган чоракка нисбатан 1,1 миллиард доллар кўп экспортни амалга ошириш вазифаси турганлиги қайд этилди. Жумладан, апрель-июнь ойларида ҳокимликлар биринчи чоракка нисбатан 3 баробар кўп мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини таъминлаши зарур.

Давлатимиз раҳбари айрим соҳа ва тармоқ мутасаддилари ва ҳудудлар раҳбарларини бу борада мавжуд имкониятлар тўлиқ ишга солинмаётгани учун кескин танқид қилди.

Экспортбоп маҳсулотлар бўйича қандай устун жиҳатлар мавжудлиги, қайси ҳудудда қандай маҳсулот етиштириш ва қаерга экспорт қилиш мақсадга мувофиқлиги бўйича қисқа муддатда амалий таклифлар ишлаб чиқиш юзасидан топшириқ берилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, экспорт қилинаётган товарларни божхонада расмийлаштириш, товарлар учун назорат идораларидан рухсат олишни соддалаштириш бўйича қатор вазифаларни ҳал этиш лозим. Мисол учун, мамлакатимизда экспорт ҳужжатларини расмийлаштириш 96 соат вақт олса, хорижда бунга 12 соату 20 дақиқа кетади, холос.

Бу соҳада “Ягона дарча” тизими тўлиқ жорий этилмагани оқибатида тадбиркорлар ўз маҳсулотини экспорт қилишга рухсат олиш учун камида 10 та идорага бориши лозим.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасига экспорт-импорт операцияларига рухсат берувчи идораларни жалб қилган ҳолда ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ давлат хизматларини камраб олувчи “Ягона дарча” тизимини жорий этиш вазифаси топширилди.

Давлат божхона кўмитасига пишиқчилик даврида божхона постларининг ўтказувчанлигини ошириш ва тирбандликка йўл қўймаслик учун тегишли чоралар кўриш вазифаси юклатилди.

Президентимиз экспортбоп қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ва маҳсулот етиштиришнинг прогноз ҳажмлари ижросини тўлиқ таъминлаш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Экспорт бозорларида мамлакатимиз ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида мева-сабзавотчиликка ихтисослашган Ғаллаорол, Зомин, Булунғур, Ургут, Қибрай, Паркент, Олтиариқ туманлари ва Қувасой шаҳрида ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги бирлашмалари фаолиятини самарали йўлга қўйиш зарур.

Шунингдек, “Ўздавқарантин” инспекциясига гилос, ўрик, олча каби бозори чаққон меваларнинг хорижий бозорларга фаол кириб боришини таъминлаш мақсадида чет эл карантин хизматлари билан музокаралар ўтказиб, экспортчиларимиз учун қулай шароитлар яратиш чораларини кўриш топширилди.

Транспорт-логистика харажатлари юқорилиги мамлакатимиз экспорт салоҳиятини оширишга салбий таъсир кўрсатаётгани қайд этилди. Ушбу муаммони ҳал этиш йўлидаги биринчи қадам сифатида жорий йил февраль ойидан юртимизга импорт қилинадиган вагонлар божхона божларидан озод қилинди.

Бу борада Транспорт вазирлигига мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини амалга оширишда темир йўл транспорти имкониятларидан кенг фойдаланиш, “Ягона дарча” тамойили асосида содалаштирилган механизмни жорий этиш вазифаси қўйилди.

Бундан ташқари, юк транспорти паркини тўлдириш учун ишлаб чиқарилганига 4 йилдан ошмаган автомобиль-транспорт воситаларини сотиб олиш учун кредитлаш тизимини жорий этиш бўйича таклиф киритиш топшириғи берилди.

Йиғилишда ҳар бир тармоқ ва ҳудуд раҳбари экспорт тушумлари барқарор ва ўз вақтида келиб тушиши учун шахсан жавобгар экани белгилаб қўйилди.

## **СУЛТОН САОДАТ МАЖМУАСИ ЯНАДА ОБОД БЎЛАДИ**

Сурхондарё бой маданият ва маърифат ўчоғи сифатида танилган. Воҳада кўплаб азиз-авлиёлар, уламо ва фузалолар мангу кўним топган

Термиз шаҳрининг шимоли-шарқий қисмида Султон Саодат (Саййидлар султони) номи билан машҳур меъморий ёдгорлик мажмуаси мавжуд.



XI-XVII асрларда қад ростлаган мажмуа 20 га яқин мақбарадан иборат. Пештоқ ва гумбазли чорсу хонали салобатли иморатлар ўз даврида юксак дид билан безатилган.

Президентимиз Сурхондарё вилоятига ташрифи доирасида мазкур мажмуани зиёрат қилди.

Ўтганлар руҳига қуръон тиловат қилинди. Манбаларда қайд этилишича, сўлим ва сокин бу гўшада Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг қизлари Фотима онамизнинг бешинчи авлод набираси Ҳасан ал-Амир мангу кўним топган. Бу улуғ зот Термиз саййидларининг султони бўлган.

Мутахассислар фикрича, Ҳасан ал-Амир ўз яқинлари билан Самарқандга кўчиб келган. Бу ерда ўн бир йил яшаб, Балхга кўчади. Тахминан 865 йилда Термизга келиб, яшаб қолган.

Вафот этгач, шу ерда дафн этилган. Асрлар давомида ушбу мўътабар зотнинг авлодлари учун ҳам бу ерда маҳобатли мақбаралар қурилган. Эндиликда меъморий обида мамлакатимиз ва хорижлик сайёҳлар кўп келадиган масканлардан бирига айланган.

Улар Пайғамбаримиз авлодларининг хокини зиёрат қилиб, руҳан қувват олади.

Аждодларимиз томонидан турли асрларда яратилган бўртма равоқлар, сержило нақш ва тўлқинли ганч безаклари асосида юксак дид билан ишланган нафис меъморлик санъатидан баҳраманд бўлади.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, IX асрда юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшган Термиз саййидлари хонадони шаклланган. Марказий Осиё саййидларининг кўпчилиги ўз келиб чиқиш тарихини шу хонадон билан боғлаши бежиз эмас.

Китобларда давлат бошқаруви ва низомида, жумладан, Соҳибқирон Амир Темур салтанати ривожидан Термиз саййидларининг алоҳида хизмати борлиги таъкидланган.

Соҳибқирон Ҳиндистонга юришлари чоғида ҳамиша Термиз саййидлари хонадомида тўхтаб, меҳмон бўлгани қайд этилган. Яна бир манбада Амир Темур Термиз саййидларига алоҳида ҳурмат рамзи сифатида Султон Саодат мажмуасининг бир қисми ҳисобланган хонақоҳ ҳам бунёд эттиргани, лекин ноёб иншоот бизнинг давримизгача сақланиб қолмагани ёзилган.

Давлатимиз раҳбари ушбу қадамжони янада обод қилиш, Имом Бухорий, Зангиота каби зиёратчилар кўп ташриф буюрадиган масканга айлантириш, илмий жиҳатдан ўрганиш юзасидан кўрсатма бердилар.

Бой тарихимиз, маданиятимиз, хусусан, меъморлик санъатимизни ўзида мужассам этган мазкур мақбаралар мажмуаси келгусида янада обод масканга айланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ҳаким Термизий мақбарасини ҳам зиёрат қилди. Юртимизга тинчлик, кут-барака тилаб дуо қилинди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ  
МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ  
ФЕСТИВАЛИ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ  
МАРОСИМДАГИ НУТҚИ**

Муҳтарам фестиваль иштирокчилари!

Қадрли дўстлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, сиз, азизлар билан жонажон Ўзбекистонимизда, гўзал Сурхондарё заминида кўришиб турганимдан бахтиёрман.

Барчангизни Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг тантанали очилиши билан чин юракдан муборакбод этаман.

Юртимизда биринчи бор ўтказилаётган ушбу санъат байрамида дунёнинг 74 та давлатидан 160 дан зиёд вакиллар қатнашмоқда. Уларнинг орасида атоқли маданият арбоблари, фольклор санъати намояндалари, оммавий ахборот воситалари ходимлари борлиги бизга катта мамнуният етказди.

Бугунги фестивалимизда иштирок этаётган ҳурматли меҳмонларимиз: ЮНЕСКОнинг Осиё ва Тинч океани бошқармаси бошлиғи Андрей Шевелевга, Ислон ҳамкорлик ташкилотининг тузилмаси – АЙСЕСКОнинг Маданият бўйича директори Рхиати Салиҳга, Жаҳон хунармандлар кенгаши Осиё ва Тинч океани минтақаси раҳбари Гада Рида Хижжавига, Қирғиз Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Султанбай Раевга, Қозоғистон Республикаси маданият ва спорт вазири Аристанбек Мухаметўғлига, Тожикистон Республикаси маданият вазири Шамсиддин Орумбекзодага, Туркменистон маданият вазирининг ўринбосари Курбанмурат Мирадалиевга, Афғонистон Ислон Республикасининг Балх вилояти ҳокими Мухаммад Исҳоқ Рахгузар ва бошқа хорижий дўстларимизга чуқур ташаккур изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Сиз, муҳтарам меҳмонларимизни биз халқимиз ва маданиятимизнинг яқин дўстлари сифатида қабул қиламиз. Бутун эл-юртимиз номидан барчангизга самимий ҳурмат ва эҳтиромимизни билдирамиз.

Ўзбекистонга хуш келибсизлар!

Азиз дўстлар!

Инсоният яратган бебаҳо маданият дурдоналари энг аввало ҳар қайси миллатнинг фольклор санъатида мужассам топгани ҳаммамизга яхши маълум. Турли халқларнинг миллий ўзлигини, уларнинг тили ва ҳаёт тарзини, анъана ва урф-одатларини ифода этадиган бахшичилик санъати умумбашарий маданиятнинг узвий қисми сифатида барчамиз учун қадрлидир.

Жаҳон маданий меросининг бу ўлмас асарлари бизга инсониятнинг наслу насаби, тарихий илдизлари, олижаноб идеаллари бир эканини, бинобарин, турли миллат ва элат вакилларининг келажак сари интилишлари ҳам муштарак эканини англатади.

Айни вақтда ҳозирги глобаллашув даврида, тижорат воситасига айланган “оммавий маданият”, шоу-бизнеснинг салбий таъсири тобора кучайиб бораётган мураккаб замонда ҳар қандай миллий маданиятнинг булоғи бўлган фольклор санъатига эътибор ва қизиқиш, афсуски, сусайиб

бораётгани ҳам сир эмас. Ҳолбуки, фольклор санъати, таъбир жоиз бўлса, бу – инсониятнинг болалик қўшиғидир.

Мана шундай ноёб ва буюк санъат бугунги кунда шунчаки маданий ёдгорлик намунасига айланиб, кўп жойларда унутилиб кетаётгани, ҳимоя ва муҳофазага муҳтож бўлиб тургани – бу ҳам давримизнинг аччиқ ҳақиқатидир. Бу ҳақиқат ушбу гўзал ва бетакрор санъатнинг чинакам фидойилари сифатида сиз, азизларни ҳаммадан кўра кўпроқ ташвишга солаётганига ишонаман.

Шу сабабли тенгсиз маънавий бойлигимиз бўлмиш мумтоз санъатни, халқ ижодининг нодир намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, уни келгуси авлодларга безавол етказиш жаҳондаги илғор фикрли олимлар ва санъаткорларнинг, давлат ва жамоат арбоблари, барча маданият аҳлининг эзгу бурчидир.

Шу маънода, биз халқ ижодиётини, турли ўлкаларда бахши, жирон, окин, манасчи, шоир, ошиқ каби номлар билан аталадиган, ўз тимсолида ҳам шоирлик, ҳам созандалик, ҳам хонандалик маҳоратини мужассам этадиган инсонларнинг нодир истеъдодини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз зарур. Бугун ўз ишини бошлаётган Халқаро бахшичилик санъати фестивали айни шундай улкан ва муҳим мақсадга қаратилганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Бу борада, аввало, бахшичилик санъатининг илмий-назарий ва амалий асосларини чуқур ўрганиш ва мустаҳкамлаш, уни миллий маданиятнинг ўзига хос “ташриф қоғози”га айлантириш учун биргаликда жиддий иш олиб боришимиз керак.

Хусусан, бахшичилик соҳасида шаклланган ижодий мактаблар, “устоз – шогирд” анъаналарини қайта тиклаш ва ривожлантириш, бахши-шоирлар, фольклоршунос олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларнинг ижодий ва илмий фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириш, маданият ва санъат муассасалари қошида бахшичилик тўғараклари ташкил этиш, бахши-шоирлар ижодига кенг йўл очиб бериш, тўй-томошалар, турли байрам ва маданий тадбирларда уларнинг доимий иштирокини таъминлаш, шу йўналишда халқаро ҳамкорликни кучайтириш, ўзаро тажриба алмашишни йўлга қўйиш, бахшичилик санъатини кенг тарғиб этиш учун ахборот-коммуникация технологияларидан, телевидение ва Интернет имкониятларидан самарали фойдаланиш, фольклор асарларининг аудио ва видео вариантларини кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

Агар биз бу ноёб санъатни сақлаб қолиш учун бугун барчамиз биргаликда ҳаракат қилмасак, эртага, афсуски, кеч бўлади, келгуси авлодлар, тарих бизни кечирмайди.

Бу борада Ўзбекистонда кейинги йилларда амалга оширилаётган ишлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Юртимизда халқ ижодиётини асраб-авайлаш ва юксалтириш мақсадида машҳур “Алпомиш” достонининг минг йиллиги кенг нишонланди. Бугун биз тўпланиб турган мана шу гўзал майдонда бу улуғ бадиий обида шарафига муҳташам ҳайкал ўрнатилди. Самарқанд шаҳрида атоқли бахшиларимиз хотирасига бағишланган ёдгорлик мажмуаси бунёд этилди. Давлатимиз

томонидан “Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси” фахрий унвони таъсис қилинди.

Термиз шаҳрида янги ташкил этилган бахшилар мактабида, республикамиздаги болалар мусиқа ва санъат мактабларида юзлаб ёшларимиз миллий фольклор санъатини меҳр қўйиб ўрганмоқдалар. Юртимизда 100 томлик “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” мажмуаси нашр этилмоқда. Унинг 59 жилди айнан халқ дostonларидан иборат эканини қайд этиш лозим. Шунингдек, кўп томлик “Қорақалпоқ фольклори” тўплами ҳам чоп этилди. Буларнинг барчаси ушбу нодир санъат маънавий ҳаётимизда бениҳоя муҳим ўрин тутишидан далолат беради.

Шу билан бирга, бахши-шоирлар томонидан ижро этилаётган асарларни ёзиб олиш, уларни илмий ўрганиш ишлари мунтазам давом этмоқда. Соҳага оид китоб ва альбомлар, фильмлар ва телекўрсатувлар яратилмоқда. Бахшиларимиз халқаро кўрик-танловларда, хорижий давлатларда ўтказилаётган Ўзбекистон маданияти кунларида муносиб иштирок этиб келаётгани эл-юртимизни мамнун қилади.

Албатта, бундай ютуқлар ўз-ўзидан, бўм-бўш заминда пайдо бўлган эмас.

Ўзбек бахшичилик мактаби дунёга Эргаш Жуманбулбул ўғли, Ислom шоир, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир, Бола бахши, Эсемурат жирoв, Шерна бахши, Мардонакул Авлиёкул ўғли, Қодир бахши Раҳимов сингари машҳур намояндаларни бергани билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бугунги кунда ана шу ижодий анъаналар уларнинг издошлари бўлмиш Шомурод Тоғаев, Шоберди Болтаев, Абдуназар Поёнов, Қаҳҳор ва Абдимурод Раҳимовлар, Қаландар бахши, Гулнара Аллембергенова, Ғайратдин Отемуратов, Шодмон Хўжамбердиев, Илҳом Норов каби ўнлаб истеъдодли ижрочилар томонидан янада бойитилмоқда.

Ушбу қувончли айёмда бахшилик санъатини илмий ўрганишдек муҳим ишга катта ҳисса қўшган атоқли шоир Ҳамид Олимжон, Ҳоди Зариф, Музайяна Алавия, Мансур Афзалов, Буюк Каримий, Зубайда Ҳусаинова сингари фан арбобларининг хотирасини ҳурмат билан ёд этамиз. Бугун уларнинг ишларини муносиб давом эттираётган Тўра Мирзаев, Жалғас Хушниёзов, Сафарбой Рўзимбоев, Шомирза Турдимов, Маматкул Жўраев, Тоштемир Турдиев, Жаббор Эшонқулов ва бошқа жонқуяр олимларимизнинг номларини миннатдорлик билан тилга оламиз.

Айни пайтда ўзбек миллий фольклор санъатини чуқур ўрганиб, уни дунё миқёсида кенг тарғиб этиб келаётган корейлик Инг-Ёнг О, германиялик Карл Райхил, туркиялик Фикрат Туркман, Селами Фидакор сингари хорижий олимларга самимий раҳмат айтамиз.

Қадрли фестиваль иштирокчилари!

Биз ушбу нуфузли анжуманни айнан кўҳна ва навқирон Сурхон ўлкасида ўтказаятганимиз бежиз эмас, албатта.

Сурхондарё деганда, аввало, улуғ азиз-авлиёлар, алломаларга ватан бўлган, мард ва олижаноб, ориятли эл яшайдиган табаррук замин кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Кўҳна Зараутсой ва Тешиктош ғорлари, Боботоғ ва Бойсундаги петроглиф расмлар, Бактрия ва Кушон каби давлатлар, Далварзинтепа,

Кампиртепа, Холчаён сингари ноёб ёдгорликлар бу заминдаги қадимий цивилизация ва маданиятдан гувоҳлик беради.

Воҳанинг гўзал табиатини, Олтинсой, Сангардак, Хонжизза, Сайроб, Дарбанд каби сулув гўшаларини бир бора кўрган, бепоён қир-адирларда бахшилардан дoston ва термалар тинглаган инсон бу диёрга умрбод мафтун бўлиб қолади.

Сурхондарё – азалдан бахшилар юрти сифатида ном қозонган. Мамлакатимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Хоразм вилоятлари билан бир қаторда Сурхондарё, хусусан, Шеробод дostonчилик мактаби бутун минтақамизда маълум ва машҳур.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан Сурхондарё Ўзбекистоннинг энг обод ҳудудларидан бирига, замонавий илм-фан, маданият ва туризм масканига, мана энди халқаро бахшичилик санъати марказига айланиб бораётгани барчамизни қувонтиради.

Санъат ва музикани чин дилдан севадиган, ижод аҳлини юксак кадрлайдиган Сурхон эли ушбу анжуманни катта шоду хуррамлик билан кутиб олмоқда.

Бугунги даврамизда жаҳоннинг узоқ ва яқин мамлакатларидан ташриф буюрган ўнлаб машҳур бахшилар, фольклор гуруҳлари, соҳанинг жонқуяр намояндаларини кўриб турганимиздан ғоят хурсандмиз.

Келинлар, азиз дўстлар, уларни чин қалбимиздан қутлаб, барчаларига ижодий ютуқлар тилаб, ҳурмат ва олқишларимизни изҳор этайлик!

Ҳурматли юртдошлар!

Азиз меҳмонлар!

Сизларнинг иштирокингизда очилаётган ушбу фестиваль дунёдаги энг нуфузли санъат анжуманлари қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллайди, деб ишонаман.

Бахшилар нафақат халқ ўтмишининг акс-садоси, айна пайтда бугунги куннинг ҳам жарангдор овозидир.

Гўзал юртимиз ҳаёти билан танишган сиз, азизлар ўз фикр ва туйғуларингиз ҳақида, бағрикенг ва меҳмондўст халқимиз, унинг маданияти ва бетакрор қадриятлари ҳақида янги-янги кўшиқ ва дostonлар яратишингизга тилақдошмиз.

Фестиваль доирасида ўтказиладиган халқаро илмий-амалий конференция ишига ҳам муваффақиятлар тилайман.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда қатнашаётган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларига, халқаро ташкилотларнинг вакилларига самимий миннатдорчилик билдираман.

Азиз ватандошлар!

Бугунги санъат ва нафосат байрамини баланд савияда ўтказиш учун астойдил меҳнат қилган барча-барча инсонларга, меҳмондўст ва олижаноб Сурхондарё аҳлига чин юракдан ташаккур билдиришга руҳсат этгайсиз.

Барчангизга сихат-саломатлик, оилавий бахт, янги ютуқлар ёр бўлсин!

Эътиборингиз учун раҳмат.